

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sogʻliqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, info@uzssgt.uz • 2013 йил 18 октябрь • № 42 (959)

Саховат

ЭЗГУЛИК БИЛАН ЯШАЁТГАН ЭЛНИНГ МАҚСАДИ

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Sen Yolgʻiz Emassan» республика болалар фонди ҳамкорлигида ўтказилаётган чуқурлаштирилган тиббий кўрикларда ўз ифодасини топмоқда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 14 февралдаги 1920-сонли «Обод турмуш йили» Давлат дастури ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 17 октябрдаги «Меҳрибонлик уйи тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида»ги 230-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Sen Yolgʻiz Emassan» республика болалар фонди ҳамда

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида жорий йилнинг 10-20 октябрь кунлари режалаштирилган «Соғлом бола – соғлом келажак» шиори остида Меҳрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчаси ва SOS болалар маҳалларида тарбияланаётган болаларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш тadbирлари давом этмоқда.

Жумладан, Самарқанд вилоятида жойлашган 4 та Меҳрибонлик уйи ҳамда SOS болалар маҳалласидаги тарбияланувчилар Самарқанд вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида соҳанинг юқори малакали мутахассислари томонидан чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Бу жараёнлар билан яқиндан танишиш мақсадида шифо масканида бўлди. Ҳар йили икки маротаба ўтказилаётган тиббий кўрик Меҳрибонлик уйлари ҳамда Болалар шаҳарчаси ва SOS болалар маҳалларида ўтказилар эди. Эндиликда эса бу жараён пойтахтимиздаги Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси, Республика перинатал маркази ҳамда вилоят болалар кўп тармоқли болалар марказларида олиб борилмоқда. Бундан асосий мақсад, аввало, марказда барча шароит ва имкониятларнинг мавжудлиги, шунингдек, УЗИ, рентген, ЭКГ, ЭХОКГ, электроэнцефалография каби аппаратураларда болалар соғлигини тўғри ташхислаш кўзда тутилган. Яна шуни қайд этиб ўтиш лозимки, чуқурлаштирилган тиббий кўриқда тор мутахассислар гуруҳи, яъни педиатр, невропатолог, окулист, оториноларинголог, хирург, ортопед, стоматолог, эндокринолог ва ўсмирлар гинекологлари қатнашмоқда.

Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида бўлганимизда, 6- ҳамда 10-Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари саломатлиги тўғрисида соҳа мутахассисларининг фикрлари билан ўртоқлашдик.

Феруза МУСТАФОВЕВА, Нодира БАХРИЕВА, Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази врач-педиатрлари:

– Мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишларига катта эътибор қаратилганлиги боис, катта муваффақиятларга эришилмоқда. Айниқса, перинатал, скрининг ҳамда кўп тармоқли тиббиёт марказларининг бугунги кундаги фаолияти она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашда асосий ўринга эга бўлмоқда. Шунингдек, ногиронликнинг олдини олиш ҳамда соғлом онадан соғлом болалар дунёга келтирилганлиги юқоридаги фикримизнинг ёрқин далилидир. Амалдаги фаолиятлар билан бир қаторда, қарийб беш йилдан буён ўтказиб келинаётган соғломлаштириш ва саломатлик ҳафталиклари аҳоли

(Давоми 2-бетда).

Эътибор

ДАВЛАТ ТИЛИ — МИЛЛАТ БОЙЛИГИ, ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Она тили – бу миллатнинг руҳидир. “Давлат тили тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши тилимизнинг мавқеини янада оширишга, унинг янада бойиши ва такомиллашувига хизмат қилмоқда. Зеро, Юртбошимиз “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарида таъкидлаганидек, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Бу йил Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинганига 24 йил тўлди.

Эътироф этиш жоизки, дунёда уч мингдан зиёд тил мавжуд бўлиб, шундан атиги 200 дан ортиғи давлат тили мақомини олган. Улар қаторида ўзбек тилининг борлиги эса ҳар биримизни гурурлантиради. Юртимиз тарихида “Давлат тили тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши муқтақиллик йилларида қўйилган дастлабки қадам

бўлди, десак асло муболағаси йўқ. Албатта, она тилимизнинг бундай мақомга эришиши катта ижтимоий воқелик ҳисобланади. Чунки, унга қадар ўзбек тили шунчаки маҳаллий тил даражасида тор доирада қўлланилган. Қонун қабул қилингач, унинг ҳаётда тутган ўрни кучайди. Иш ҳужжатларини юритиш, таълим-тарбия жараёни ўзбек тилида

олиб борила бошланди. Кўча номлари, хиёбон ва географик объектларнинг номлари ўзбекчалаштирилди. Айниқса, тилимизнинг луғат таркиби йилдан-йилга янги сўз ва атамалар билан бойиб бораёпти. Эътиборлиси, айрим сўз ва терминлар бошқа халқлар тилида ҳам ўзбекча янграмоқда. Албатта, илм-фан тараққиёти, жамият ривожини тилда ҳам ўз аксини топади. Масалан, кейинги пайтларда ахборот ва компьютер технологияларининг кундалиқ турмушимиздан кенг ўрин олиши муносабати билан ўзбек тилшунослигида янги имкониятлар юзага келмоқда. Ҳатто компьютер дастурларини ўзбекчалаштириш борасида ютуқлар қўлга киритилмоқда. Бугунги

(Давоми 6-бетда).

АҲОЛИ МАМНУН

Замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган Фарғона вилояти офтальмология шифохонаси бир вақтнинг ўзида 110 нафар беморга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имкониятга эга.



– 2012 йилда шифохонамизда кўз касалликларига чалинган 7 мингдан ортиқ беморга сифатли тиббий кўрсатилди, – дейди Фарғона вилояти офтальмология шифохонаси бош врач **Анвар Содиқов**. – Шунингдек, шифохона поликлиникасига мурожаат қилган 120 мингдан ортиқ аҳоли тиббий маслаҳат ва кўмаклардан баҳраманд бўлди.

ЎЗА.

Саховат

ЭЗГУЛИК БИЛАН ЯШАЁТГАН ЭЛНИНГ МАҚСАДИ

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Sen Yolg'iz Emassan» республика болалар фонди ҳамкорлигида ўтказилаётган чуқурлаштирилган тиббий кўрикларда ўз ифодасини топмоқда

саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этиб, халқимизнинг ўз соғлиги ва тиббиётга бўлган ишончини янада орттирмоқда. Бунинг баробарида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда бир қанча жамоат ташкилотлари томонидан ҳамкорликда «Со-

ри тарбияланувчиларининг яшаш, таълим ва тарбия олишларига қаратаётган эътиборлари уларни ҳар томонлама маънан ва баркамол ўсаётганликларидан кўриниб турибди. Айниқса, болаларнинг озодлиги, одоби, зукколиги бизни берафқ қолдирмади. Бунда ал-

ларда жиддий касаллик йўқлигини кўрсатди. Айрим болаларда невроз, мия фаолияти сустлиги, эпилепсия, марказий асаб тизими интоксикацияси (гижжалар туфайли) каби касалликлар аниқланиб, уларга тегишли тавсия ва муолажа буюрилди. Кенг аудиториядаги бундай тадбирнинг йўлга қўйилганлиги ўз натижасини бериб, ўтган йилларда касаллиги аниқланган болалар саломатлиги тикланганлигининг гувоҳи бўлди. Бу албатта, баркамол ўсиб келаётган ўсмир болаларни турли касалликлардан ҳимоя қилишига ишонамиз.

Тўлқин ХАМРОҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази диагностика бўлими бошлиғи:

– Илгари бундай чуқурлаштирилган тиббий кўрик Меҳрибонлик уйларида бориб ўтказилар эди. Эндиликда эса тиббиёт муассасаларида олиб борилаётганлиги ҳам мутахассис, ҳам болалар учун катта қулайлик туғдирмоқда. Айниқса, болалар саломатлигини замонавий аппаратларда текшириш касалликларни тезда аниқлаш ва тўғри ташхислаш имкониятини бермоқда. Масалан, электроэнцефалография аппаратида болаларнинг бош миёсидаги ўзгаришлар текширилади. Жумладан, эпилепсия (тутқаноқ) ҳолатларининг келиб чиқиши, бош оғриқлар, мия фаолияти ривожланишининг орқада қолиши, дудуқланиш каби нуқсонлар аниқланмоқда. Биргина мисол, ўтган йилги кўрикда Сардор исмли болада мазкур аппарат орқали мия фаолиятининг орқада қолиши кузатилиб, даво муолажалари тайинланган эди. Бу йилги кўрикда бола саломатлиги ижобий томонга ўзгариб, унда мия фаолиятининг ривожланиши яшиланиб бораётганлигини кўриб қувондик. Болаларимиз саломатлиги давлатимизнинг устувор вазифаларидан бири экан, бу борада бор билим ва тажрибаларимизни ишга солиб, улар соғлигини муҳофаза қилишга ҳамisha тайёрмиз.

Мавжуда ФАХРУТДИНОВА,
6-Меҳрибонлик уйи директори ўринбосари:

– Меҳрибонлик уйида 109 нафар бола тарбияланади. Мустақиллигимиз шарофати билан тарбияланувчилар учун Юртбо-

шимиз томонидан барча шароит ва кенг имкониятлар яратилмоқда. Давр талабларига жавоб бера оладиган меҳрибонлик уйи бинолари ҳамда уларнинг замонавий жиҳозланиши, шунингдек, спорт заллари, турли хил тўгаракларнинг ишлаб турганлиги болаларимиз ҳар то-

ходимлари томонидан доимий назорат қилиб борилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ҳар йили ўтказиб келинаётган чуқурлаштирилган тиббий кўрик болаларимиз саломатлигини янада мустаҳкам-



ғлом бола – соғлом келажак» шиори остидаги тадбирнинг республикамиз миқёсидаги Меҳрибонлик уйлари ҳамда болалар шаҳарчаси ва SOS болалар маҳаллалари тарби-

батта, болалар уйлари раҳбар ва ходимларининг алоҳида ўрни бор. Кенг аудиториядаги бундай тиббий кўриқнинг мунтазам тарзда олиб борилаётганлиги ўсмир ёшдагилар са-



монлама жисмонан ва маънан баркамол ўсишларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Тарбияланувчиларимиз ўзларининг аъло ўқиши билан вилоят ва республика олимпиадаларида

лашда асосий омил бўлмоқда. Шунингдек, 2013 йил 10-20 октябрь кунлари «Sen Yolg'iz Emassan» республика болалар фонди ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкор-



яланувчилари орасида ўтказилаётганлиги ёш авлод баркамол ва маънан етук бўлиб ўсишида асосий пойдевор бўлиб хизмат қилишига ишончимиз комил. Чунки бу жараёнда болаларда учрайдиган касалликларнинг олдини олиш, бундан ташқари, саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадларига кўп эътибор қаратиб келмоқдамиз. 6- ҳамда 9-10-11-Меҳрибонлик уйларидаги 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган тарбияланувчиларни тиббий кўриқдан ўтказганимизда, уларда жиддий касалликлар йўқлиги аниқланди. Айримларида шамоллаш асоратлари, камқонлик, буқоқ, наслий ва кариес касалликлари борлиги кузатилди. Давога муҳтож бўлган болаларга марказимиз ва вилоятдаги шифохоналарга йўланма берилди. Таъкидлашимиз муҳимки, Президентимизнинг Меҳрибонлик уйлари ҳамда Болалар шаҳарчаси ва SOS болалар маҳаллалари

ломатлигини муҳофазалашнинг муҳим шартидир.

Амира АМИНОВА,
Фархунда АХРОРОВА,
Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази невропатологлари:

– Ушбу жараёнда 350 нафардан ортиқ 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган бола саломатлигини текширувдан ўтказдик. Натижа



фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Спортнинг барча турлари бўйича икки нафар ўқувчимиз республика миқёсидаги мусобақаларда биринчи ўринга сазовор бўлди. Болаларимиз саломатлиги хусусида тўхталадиган бўлсак, уларнинг соғлиги меҳрибонлик уйида фаолият юритаётган тиббиёт

лигида ўтказилаётган тадбир ҳам юқори савияда ўтмоқда десам, муболаға бўлмайди. Аввало, фарзандларимиз келажакни ўйлаб, эзгулик ва саховат йўлида меҳнатларини аямаётган ташкилотчилар ҳамда тиббиёт ходимларига ўз миннатдорчилигимни билдириб қоламиз.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ушбу тадбир республика миқёсидаги Меҳрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчаси ва SOS болалар маҳаллаларида олиб борилмоқда. Газетамиз саҳифаларида Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятида ўтаётган жараёнларни ёритган бўлсак, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда тадбир юқори савияда ўтаётганлиги тўғрисида тезкор хабарлар олдик. Натижаларга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларида ўтказилган ушбу тиббий кўриқда кўп сонли тиббиёт ходимларининг меҳнатлари беқиёс бўлганлиги ҳам эътироф этилган. Шунингдек, ўз навбатида Меҳрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчаси ва SOS болалар маҳаллаларининг раҳбариятлари «Sen Yolg'iz Emassan» республика болалар фонди ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигига миннатдорчилик билдирдилар. Дарҳақиқат, эзгуликка йўналтирилган бундай ишларнинг ташкил этилиши, албатта келажакда ўз мевасини беришига шубҳа йўқ.

Ибодат СОАТОВА.
Муаллиф олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда).



Тиббиёт

САРАТОН ХАСТАЛИГИ:

«Унга шифо излаб, хорижга боришга ҳожат йўқ», дейди Республика онкология илмий маркази директори Саримбек НАВРЎЗОВ.

Бугун жаҳонда тараққиёт илдамлаб, ҳаёт сифати тобора яхшиланиб бораётганлиги, одамларнинг дунёқараши тубдан ўзгараётганлиги баробарида, таассуфки, касалликлар тури ва хавфи ҳам ортмоқда. Айниқса, дунёда онкологик хасталикларни кун ўтган сайин кўпаяётганлиги кўпчиликда чинакам ташвиш уйғотмоқда.

Хўш, юртимизда ушбу касаллик қандай янги ва замонавий усуллар билан даволанмоқда? Ушбу хасталикка чалинганлар сифатли даво олиш учун хорижга боришга ҳожат борми? Республика онкология илмий маркази директори Саримбек НАВРЎЗОВ билан қилган суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

– Аввало шуни айтиш керакки, ҳар қандай хасталикни, айниқса, инсон вужудида пайдо бўладиган хавфли ўсимталарни даволашдан кўра, унинг олдини олган афзал.

Бу аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, ҳар бир инсоннинг ўз саломатлигига бўлган масъулиятини янада кучайтиришни тақозо қилади. Хусусан, сўнгги йилларда юртимизда онкологик хасталикларнинг олдини олиш ва уни самарали даволашга алоҳида эътибор билан ёндашилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиздаги етакчи даволаш муассасаларидан бири – Республика онкология илмий марказида бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг изчиллиги таъминланаётгани фикримиз тасдиғидир.

Марказимиз шаҳар ва вилоят онкологик диспансерларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга илмий-амалий жиҳатдан кўмак бериш ҳамда беморларга малакали ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш каби муҳим вазифаларни бажаради.

Шифо масканимиз 375 ўринга мўлжалланган бўлиб, ўн тўртта клиник бўлим, учта илмий, битта клиник лаборатория, шунингдек, нур, ультратовуш диагностикаси, юқори энергия ва патоморфология бўлимларидан иборат. Клиник бўлимлар таркибига колопроктология, урология, торакал, абдоминал, бош бўйин касалликлари, кимётерапия, гинекология, маммология, умумий онкология, офтальмология, болалар онкологияси, радиотерапия ва реанимация бўлимлари киради. Мазкур бўлимларда барча аъзо-

ларнинг онкологик касалликлари жарроҳлик, кимётерапия ва нур терапиясини комплекс қўллаш усули билан даволанади. Зеро, марказда жаҳон тиббиётининг энг сўнгги ютуқларини амалиётга татбиқ қилиш устувор йўналишлардан биридир.

– **Аммо кўп ҳолларда беморга хавли ўсма ташхиси**



қўйилиб, ҳаётини сақлаб қолиш масаласи долзарб бўлиб турганида, унда «Энди қаерда сифатли ва самарали даво олиш мумкин?» деган савол туғилиши табиий...

– Жуда тўғри. Бемор учун ана шундай оғир бир пайтда унинг олдида айрим «фирма-ҳамкорлар» пайдо бўлиб, катта маблағ эвазига хорижда даволаниш таклифини беришади. Мутахассис сифатида шуни айтманки, бундай ҳолатларда ўзини «халоскор» сифатида танинмоқчи бўлганлар найрангига алданиб қолмаслик зарур. Сабаби, мамлакатимизда мавжуд ва мутлақ бепул бўлган ультратовуш текшириши, компьютер томография, ўсмадан биопсия олиш ва морфологик ташхислаш ҳамда турли жарроҳлик муолажалари мавжуд. Қолаверса, юртимиздаги онкологик муассасаларида мавжуд бўлган бепул препаратлар асосида стандарт кимёвий даволаш курслари ўтказилади. Биласизми, бугун бизда жорий этилган ушбу тиббий хизмат дунёда му-

қобили йўқ самарали даволаш усули сифатида баҳоланаётганлиги ҳам бежиз эмас.

Табиийки, бундай тиббий хизматларнинг барчаси хорижда пуллик хизмат турига киради. Онкологик беморнинг чет эл клиникаларида даволаниши у ердаги шифохоналарнинг даражасига қараб, бир кунда 100 доллардан 2-3 минг АҚШ долларигача маблағ талаб этилади. Устига-устак, авиачипта нархи, қариндошларнинг ижарада яшаши, керакли хужжатларни таржима қилиш, клиникани танлаш, виза

хасталикларни кечиктирмай аниқлаш ва ўз вақтида даво чораларини қўллаш борасида доимий изланишлар олиб бормоқда. Бу ўта муҳим аҳамиятга эга. Негаки, мазкур турдаги хасталиклар, асосан, белгисиз кечганлиги сабабли, кўпинча, беморлар шифокорга анча кечикиб мурожаат қилишади. Айнан шундай кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш учун шифо масканининг тажрибали мутахассислари иштирокида чекка қишлоқ ва маҳалалар, корхона ҳамда ташкилотлар, ўқув масканларида соғлом турмуш тарзи тарғиботида бағишланган тадбирлар мунтазам ташкил этилиб, кенг жамоатчилик орасида бепул тиббий текширувлар ўтказилаяпти.

Маълумки, ҳозир жаҳон миқёсида онкологик хасталиклар, жумладан, касалликка кечиктирмай аниқ ташхис қўйиш билан боғлиқ илмий тадқиқотлар сони тобора ортиб бормоқда. Ишончим комилки, келгусида касалликни эрта аниқлаш бўйича ўтказилаётган ушбу тадқиқотлар самара бериб, беморларни қарийб 90-95 фоизгача дарддан халос қилишга муваффақ бўлишимиз мумкин. Шуни инобатга олиб, марказ мутахассислари тиббий хизмат кўрсатишнинг буткул янги усулларини татбиқ этишга ҳаракат қилмоқдалар.

– **Бу қандай самаралар бермоқда?**

– Шуни алоҳида ғурур билан айтаманки, сўнгги етти-саккиз йил ичида марказда меъда, йўғон ичак ва қовуқ саратони хасталикларида жарроҳлик йўли билан олиб ташланган аъзолар фаолиятини тиклашда ижобий натижаларга эришилди. Қувонарлиси, МДХ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб, меъда олиб ташлангандан сўнг ушбу аъзо фаолиятини тиклаш, ингичка ичакдан фойдаланган ҳолда пластик-тиклаш жарроҳлиги, яъни бемор ичагидан ошқозон ҳосил қилиш операцияси қўлланилмоқда. Ва бу услуб ўз самарасини бераёпти ҳам. Шундай

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимиз тиббиётида изчил изланиш, янги муолажа услубларини амалиётга кенг татбиқ этиш, мутахассислар малакасини ошириш ва уларнинг тажрибасини бундан-да оммалаштиришдек муҳим вазифалар ижросини таъминлашга доимий равишда эътибор қаратилаётир. Бинобарин, мазкур саъй-ҳаракатларнинг бари юртимизда инсон қадрини, унинг ҳаёти ва соғлиғи ҳамма нарсадан устун эканлигининг амалий ифодасидир. Фурқат САНАЕВ суҳбатлашди.



амалиётлар бугунги кунгача юзлаб беморларда қўлланилди. Улар орасида хасталиқдан фориғ бўлгач, соғлом ҳаёт кечириб, яна меҳнат фаолиятини давом эттираётганлар кўпчиликни ташкил қилади.

Энг муҳими, бундай ноёб ва мураккаб жарроҳлик амалиётлари фақат республика муассасасида эмас, балки вилоят ва шаҳар онкологик диспансерлари мутахассислари томонидан ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда. Жойлардаги ихтисослашган онкологик даволаш муассасаларида юқори технологик энг нозик операцияларни ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилганлиги беморларнинг ҳаётини сақлаб, уларнинг умрига умр қўшаётганлигига сабаб бўлмоқда.

Бу йўналишдаги ишларнинг изчиллигини таъминлашга жамоат ташкилотлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси, «Ҳаёт учун» миллий уюшмаси каби жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида амалга оширилаётган қатор ижтимоий-тиббий лойиҳалар, соғломлаштириш дастурлари, илмий анжуманлар, форум ва семинарлар бу борадаги амалий ишларнинг ёрқин далилидир.

ЯНГИЛИКЛАР

- хабар
- шарҳ
- таҳлил

**«УСТОЗ-ШОГИРД»
АНЪАНАСИ**

Нукус шаҳридаги Республика кардиология диспансерининг тажрибали, ўз касбига меҳри банд, беморларни даволаш, аҳолининг тиббий билимини ошириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда фаол тиббиёт ходимлари меҳнат қилади.

Бу ерда ёш мутахассисларга «Устоз-шогирд» аънанаси асосида иш ўргатилади. Бунда диспансернинг «Шошлинч кардиология» бўлими мудири Роза Бисекенова, Аҳмеджон Отаниязов, Нигорахон Азизмуратова каби малакали тиббиёт ходимлари касбдошларига намуна бўлаётир.

ЎЗА.

**Обуна – 2014**

Ҳурматли муштарийлар!
«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2014 йил учун обуна мавсуми бошланди. Азиз тиббиёт ходимлари ва муштарийлар! Республика тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳамда ҳамкасбларингиз тажрибаси билан танишишни, шунингдек, дунё тиббиёти янгиликларидан хабардор бўлишни истасангиз, сеvimли газетангизга обуна бўлишни унутманг!
Нашр индекси: 128.

Амбулаторияда даволанишда шахсларнинг айрим тоифаларини имтиёзли асосда дори воситалари билан таъминлаш бўйича рецепттура бланкаларини тўлдириш, дорихона муассасалари томонидан рецептларни расмийлаштириш, рецепттура бланкаларини ва дори воситаларини бепул бериш учун ёзилган рецептларни ҳисобга олиш, сақлаш ва йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМГА ШАРХ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2013 йил 17 сентябрда 2509-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2013 йил 27 августдаги 284-сонли буйруғи: "Амбулаторияда даволанишда шахсларнинг айрим тоифаларини имтиёзли асосда дори воситалари билан таъминлаш бўйича рецепттура бланкаларини тўлдириш, дорихона муассасалари томонидан рецептларни расмийлаштириш, рецепттура бланкаларини ва дори воситаларини бепул бериш учун ёзилган рецептларни ҳисобга олиш, сақлаш ва йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги Низом" беморлар саломатлиги борасида ҳар томонлама пухта ўрганилиб, режалаштирилиб тасдиқланган.

Низом Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги ва "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Қонунларига,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 22 июлдаги 204-сонли "Шахсларнинг айрим тоифаларини имтиёзли асосда дори воситалари билан таъминлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, амбулаторияда даволанишда шахсларнинг айрим тоифаларини имтиёзли асосда дори воситалари билан таъминлаш бўйича рецепттура бланкаларини тўлдириш, дорихона муассасалари томонидан рецептларни расмийлаштириш, рецепттура бланкаларини ва дори воситаларини бепул бериш учун ёзилган рецептларни ҳисобга олиш, сақлаш ва йўқ қилиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом беморларни дори воситалари билан имтиёзли таъминлаш, дори воситаларини амбулатория-поликлиника муассасалари орқали ёхуд дорихона муассасалари орқали амалга оширилади. Тиббий хизмат кўрсатиш учун амбулатория-поликлиника муассасаларига бирик-

тирилган беморларга имтиёзли бериш учун мўлжалланган дори воситалари масъул шахс томонидан даволоччи врачларнинг тайинлашига мувофиқ, талабнома асосида берилиши ва расмийлаштириш тартиблари белгиланган.

Дори воситаси амбулатория-поликлиника муассасасида мавжуд бўлмаган тақдирда, мазкур Низомда янги рецепт шакли ва уни расмийлаштириш қоидалари белгиланган.

Бундай турдаги имтиёзли рецепт бланкларини тўлдириш, уларни расмийлаштириш қандай тартибда амалга оширилиши, рецепттура бланкалари ва рецептларни ҳисобга олиш, сақлаш ва йўқ қилишда нималарни инобатга олиш кераклиги ушбу Низомда ўз аксини топган.

Шунингдек, Низомда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 августдаги 404-сонли қарори билан тасдиқланган Республика дорихона муассасаларида дори-дармонлар ва

тиббий буюмлар сотиш қоидаларининг 19-бандига асосан, беморларга дори воситаларини имтиёзли бериш учун рецептлар дорихона муассасаларида 3 йил, махсус пушти рангдаги бланклар бўйича берилган дори воситалари рецептлари – 5 йил давомида сақланиши таъкидлаб ўтилган.

Низомни нафақат мутасадди шахслар, балки бу борада имконияти бўлган беморлар ҳам ўрганиб чиқишлари мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, амбулатория-поликлиника шифокорлари имтиёзли рецепт ёзишда келтирилган қоидаларга тўлиқ жавоб бериб, ўз позицияларини тўғри амалга оширсалар, ўз навбатида беморлар ҳам биринчидан ҳақ-хуқуқларини тўлиқ англай бошлайдилар, иккинчидан, уларга тақдим этилаётган рецептлар қай даражада Низом талабларига жавоб бераётгани, ушбу рецептлар бўйича амбулатория-поликлиника муассасалари ёки дорихона муассасаларига

қандай тартибда муурожаат қилишлари мумкинлиги борасида керакли маълумотларга эга бўладилар.

Шунингдек, дорихона муассасалари ходимлари ҳам ушбу буйруқни тўлақонли ўрганиб, беморлар томонидан олиб келинган рецептлар расмийлаштирилиши, дори воситалари берилиши ҳамда уларга тааллуқли молиялаштириш босқичларини амалиётга татбиқ этидилар.

Унинг якуний қоидаларида: беморларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва бюджет маблағлари мақсадли ишлатилиши учун мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлиши қайд этилган.

**М. ИБРАГИМОВА,
ДВТТСНҚББ Дори
воситалари ва тиббий
буюмлар сиёсати
бўлими бошлиғи.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2013 йил 27 августдаги 284-сонли буйруғига илова

Амбулаторияда даволанишда шахсларнинг айрим тоифаларини имтиёзли асосда дори воситалари билан таъминлаш бўйича рецепттура бланкаларини тўлдириш, дорихона муассасалари томонидан рецептларни расмийлаштириш, рецепттура бланкаларини ва дори воситаларини бепул бериш учун ёзилган рецептларни ҳисобга олиш, сақлаш ва йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 128-модда) ва "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 120-модда) қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 22 июлдаги 204-сонли "Шахсларнинг айрим тоифаларини имтиёзли асосда дори воситалари билан таъминлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 30-сон, 387-модда) мувофиқ, амбулаторияда даволанишда шахсларнинг айрим тоифаларини (бундан буён матнда беморлар деб юритилади) имтиёзли асосда дори воситалари билан таъминлаш бўйича рецепттура бланкаларини тўлдириш, дорихона муассасалари томонидан рецептларни расмийлаштириш, рецепттура бланкаларини ва дори воситаларини бепул бериш учун ёзилган рецептларни ҳисобга олиш, сақлаш ва йўқ қилиш тартибини белгилайди.

I боб. Умумий қоидалар

1. Беморларни дори воситалари билан имтиёзли таъминлаш дори воситаларини амбулатория-поликлиника муассасалари орқали ёхуд дорихона муассасалари орқали бериш йўли билан амалга оширилади.

2. Беморларга дори воситаларини имтиёзли бериш беморлар амбулатория тартибда даволанадиган амбулатория-поликлиника муассасасида даволоччи врачларнинг тайинлаши бўйича бепул берилади.

3. Беморларга дори воситаларини имтиёзли бериш дорихона муассасалари томонидан бемор амбулатория тартибда даволанадиган амбулатория-поликлиника муассасасида даволоччи врач томонидан ёзилган имтиёзли бериш рецепти (бундан буён матнда рецепт деб юритилади) асосида бепул берилади.

II боб. Рецепттура

бланкаларини тўлдириш ва рецептларни расмийлаштириш

4. Тиббий хизмат кўрсатиш учун амбулатория-поликлиника муассасаларига бириктирилган беморларга

имтиёзли бериш учун мўлжалланган дори воситалари ушбу муассаса раҳбарининг буйруғи билан белгиланган масъул шахс томонидан даволоччи врачларнинг тайинлашига мувофиқ, мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган шаклдаги талабнома асосида берилади.

5. Талабнома амбулаторияда даволанишда дори воситалари билан имтиёзли таъминлаш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжат (ҳужжатлар) асосида ёзилади.

6. Талабнома дори воситасининг савдо номи, ўрам тури, қадоқлаш ва шу кабилар кўрсатилган ҳолда икки нусхада ёзилади. Талабнома амбулатория-поликлиника муассасасининг раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланиши ва думалоқ муҳр билан тасдиқланиши керак. Талабноманинг биринчи нусхаси (дори воситалари олинганлиги тўғрисида) масъул шахснинг тилхати билан биргаликда амбулатория-поликлиника муассасаси дорихонасида қолади, иккинчи нусхаси эса – масъул шахс дори воситаларини олганидан кейин унга қайтарилади.

7. Масъул шахс томонидан олинган дори воситалари ҳақида ҳар ойнинг якунлари бўйича кейинги ойнинг 5-кунидан кечиктирмай мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда дори воситалари ҳаракати тўғрисида ҳисобот тузилади.

8. Дори воситалари ҳаракати тўғрисида ҳисобот икки нусхада тўлдирилади ва биринчи нусхаси амбулатория-поликлиника муассасаси бухгалтериясига берилади, иккинчи нусхаси эса, масъул шахснинг ўзида қолади. Бунда ҳисоботнинг биринчи нусхасига дори воситалари олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари (берилган ва бажарилган талабномалар) илова қилинади. Ҳисоботнинг иккинчи нусхасига амбулатория-поликлиника муассасаси бухгалтерияси ходими томонидан масъул шахсдан ҳисоботни ва тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаларини олганлиги тўғрисида имзо қўйилади.

9. Талаб этиладиган дори воситаси амбулатория-поликлиника муассасасида мавжуд бўлмаган тақдирда, даволоччи врач томонидан мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда рецепт ёзилади ва расмийлаштирилади. Стационарда даволанаётган беморга рецепт ёзилишига йўл қўйилмайди.

10. Дори воситаларини бериш учун даволоччи врачнинг беморнинг амбулатор картасидаги (боланинг ривожланиш тарихидаги) ёзуви ва даволоччи врач томонидан имзоланган ва шахсий муҳр билан тасдиқланган рецепт асос бўлади.

11. Беморларга тайинланган дори воситалари (дори воситасининг савдо ва халқаро патентланмаган номи, дори шакли, дозаси (концентрацияси), уларнинг суткалик дозаси, қабул қилиш ёки юбориш усуллари, микдори), рецептнинг тартиб рақами ва ёзилган санаси тиббий ҳужжатларда (беморнинг амбулатор картаси, боланинг ривожланиш тарихи) акс эттирилади ва уларнинг асосли тайинланганлиги бевосита даволоччи врач имзоси билан тасдиқланади.

Бунда даволоччи врач томонидан тайинланган дори воситаларининг савдо ва халқаро патентланмаган номи ҳамда турлари лотин тилида, қўллаш усуллари давлат ва рус тилларида кўрсатилади.

12. Рецепт беморга унинг ёши, манзили, касаллик шифри, дори воситасининг савдо ва халқаро патентланмаган номи, дозаси, қабул қилиш даврийлиги, вақти, овқат билан ўзаро таъсирланувчан дори воситалари учун – овқатланишга нисбатан дорини қабул қилиш вақти (овқатланишгача, овқатланиш вақтида, овқатлангандан кейин) кўрсатилган ҳолда ёзилади. Мазкур маълумотлар рецептнинг қорешокларида ҳам кўрсатилади.

13. Рецептни ёзишда даволаш-профилактика муассасаларида дори воситаларини тайинлаш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби, шунингдек дорихона муассасалари томонидан аҳолига дори воситаларини рецепт асосида бериш тўғрисида Низомнинг (рўйхат рақами 2118, 2010 йил 29 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 26-27-сон, 219-модда) 3-иловасида назарда тутилган асосий рецепттура қисқартмаларидан фойдаланилиши мумкин.

14. Рецептда айнан қандай дори воситаси ёзилганлигини аниқлашда адаштирувчи ингредиентларнинг номига яқин қисқартмаларни ёзишга йўл қўйилмайди.

15. Рецептда суюқ дори воситалари микдори миллилитр ва томчиларда, бошқа дори воситалари микдори эса,

граммда кўрсатилади.

16. Рецептда беморнинг ҳолатига қараб бир даволаш курсидан ортиқ бўлмаган ҳажмда фақат битта дори воситаси ёзилади.

17. Рецепттура бланкалари аниқ ва тушунарли тарзда тўлдирилади ҳамда уларга тузатишлар киритиш тақиқланади.

18. Рецептнинг юқори чап бурчагида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг амбулатор-поликлиника муассасасининг штампи, юқори ўнг бурчагида беморнинг тоифаси акс эттирилади.

19. Рецепт даволоччи врачнинг имзоси ва шахсий муҳри, амбулатория-поликлиника муассасаси раҳбарининг буйруғи билан тайинланган масъул шахснинг имзоси ҳамда амбулатория-поликлиника муассасасининг думалоқ муҳри билан тасдиқланади.

20. Рецепттура бланкалари 105 x 148 мм. ўлчамда, қорешоклари эса, 70 x 148 мм. ўлчамда босмаҳона усулида чоп этилади.

21. Рецептнинг йиртиб олинмаган биринчи қорешоги дорихона муассасасида қолдирилади ва берилган дори воситасига ҳақ тўлаш учун амбулатория-поликлиника муассасасига тақдим этилади, иккинчи қорешоги беморларга берилади.

22. Рецепттура бланкалари амбулатория-поликлиника муассасаларида мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклдаги Амбулатория-поликлиника муассасалари томонидан рецепттура бланкаларини ҳисобга олиш журналида ҳисобга олинади. Мазкур журнал ип ўтказиб тикилган ҳамда амбулатория-поликлиника муассасаси раҳбарининг имзоси ва амбулатория-поликлиника муассасасининг думалоқ муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

23. Рецептлар амбулатория-поликлиника муассасасида мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклдаги Амбулатория-поликлиника муассасалари томонидан рецептларни ҳисобга олиш журналида ҳисобга олинади. Мазкур журнал ип ўтказиб тикилган ҳамда амбулатория-поликлиника муассасаси раҳбарининг имзоси ва думалоқ муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

III боб. Рецепттура бланкалари ва рецептларни ҳисобга олиш, сақлаш ва йўқ қилиш

24. Дорихона муассасаларидан

дори воситаларини имтиёзли ажратиш рецептлар бўйича амалга оширилади.

25. Рецептлар дорихона муассасаларида мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ шаклдаги журналда ҳисобга олинади. Мазкур журнал ип ўтказиб тикилган, дорихона муассасаси раҳбарининг имзоси ва думалоқ муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

26. Амбулатория-поликлиника муассасаларида бош шифокор буйруғи билан рецепттура бланкаларини даволоччи врачларга бериш, сақлаш ва ҳисобга олиш учун масъул шахс тайинланади. Рецепттура бланкалари масъул шахс томонидан ушбу бланкалар олингандан сўнг дарҳол кетмакетликда рақамланади.

27. Рецепттура бланкалари масъул шахс томонидан қулфланадиган металл шкафта (сейфда) сақланади.

28. Рецепттура бланкаларининг масъул шахс томонидан сақланиши, ҳисобга олиниши ва берилиши ҳар ойда камида бир маротаба амбулатория-поликлиника муассасасининг Доимий фаолиятдаги ҳайъати томонидан текширилади.

29. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 августдаги 404-сонли қарори билан тасдиқланган республика дорихона муассасаларида дори-дармонлар ва тиббий буюмлар сотиш қоидаларининг 19-бандига асосан, беморларга дори воситаларини имтиёзли бериш учун рецептлар дорихона муассасаларида 3 йил, махсус пушти рангдаги бланклар бўйича берилган дори воситалари рецептлари – 5 йил давомида сақланади.

30. Бузилган ёки яроқсиз ҳолга келган рецепттура бланкалари амбулатория-поликлиника муассасасининг Доимий фаолиятдаги ҳайъати қарорига мувофиқ далолатнома асосида йўқ қилинади.

IV боб. Якуний қоидалар

